

MODERN SCIENTIFIC RESEARCH:  
**ACHIEVEMENTS**

INNOVATIONS AND DEVELOPMENT PROSPECTS

International Scientific and Practical Conference

#euroconf #germany #münchen



**GERMANY**

**“MODERN SCIENTIFIC RESEARCH:  
ACHIEVEMENTS, INNOVATIONS AND  
DEVELOPMENT PROSPECTS”**

**8<sup>nd</sup> part, 2-83 pages.**

**Committee List for  
15.12.2022**



**EDITOR-IN-CHIEF:**

Todd Kanada, PharmD, BCNSP, BCCCP, FASHP, FTSHP, FASPEN

Xeyli Barns, MS, CPhT

Tina C. Bek, PharmD, MSCR, BCPS

Abimbola Farinde, PharmD

Keytlin Gibson, PharmD, BCPS

Ketrin Pidkok, PharmD, BCPS

Khanh-Hau Moss, MS, PharmD, BCPS

Mishel, Yazdchi, PharmD

## CONTENT

<b>F. B. Shakirova, S.B. Sattorova</b> <i>DEVELOPMENT ASPECTS OF INNOVATION AND INVESTMENT IN RAILWAY TRANSPORT</i>	5
<b>F. B. Shakirova, S.B. Sattorova</b> <i>THE IMPORTANCE OF TAXES IN ENSURING INNOVATIVE DEVELOPMENT</i>	9
<b>F. B. Shokirova, S.B. Sattorova</b> <i>IQTISODIYOTNI RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA INVESTITSIYA VA INNOVATSIYALARNING IQTISODIY O'SISH BILAN ALOQADORLIGI</i>	13
<b>F. B. Shokirova, S.B. Sattorova</b> <i>MAMLAKATDA INNOVATSION TIZIMNI TAKOMILLASHTIRISHING AYRIM MASALALARI</i>	16
<b>L.U. Akbarova, F.B. Shakirova</b> <i>INNOVATIVE ASPECTS OF RESEARCH OF VENTURE INVESTING IN THE USA</i>	20
<b>L.U. Akbarova, F.B. Shakirova</b> <i>IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLASHTIRISHNING AYRIM JIHATLARI</i>	22
<b>F.B. Shakirova, L.U. Akbarova</b> <i>ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ГЕРМАНИЯ ТАЖРИБАСИ</i>	27
<b>F.B. Shakirova, L.U. Akbarova</b> <i>INNOVATSION RIVOJLANISHNI TA'MINLASHDA AQSH VA JANUBIY KOREYA MAMLAKATLARI TAJRIBASINING AYRIM JIHATLARI</i>	30
<b>Абдуллаева М.Н, Салимов Б.Б</b> <i>МЕТАЛЛУРГИЯ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ</i>	34
<b>Абдуллаева М.Н, Салимов Б.Б</b> <i>ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОРГАНИЗАЦИОННОЙ СТРУКТУРЫ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ</i>	41
<b>Салимов Б.Б., Абдуллаева М.Н</b> <i>КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТ ВА ВАЗИФАЛАРИ</i>	44
<b>Салимов Б.Б., Абдуллаева М.Н</b> <i>КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ</i>	47

<b>Абдуллаева М.Н, Эгамбердиев О.Б</b> <i>ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗРАБОТКИ СТРАТЕГИИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА</i>	<b>52</b>
<b>Abdullayeva M.N, Egamberdiyev O.B</b> <i>ORGANIZATIONAL FORMS OF INNOVATION ACTIVITY MANAGEMENT IN INDUSTRIAL COMPANIES</i>	<b>55</b>
<b>Абдуллаева М.Н, Эгамбердиев О.Б</b> <i>ОСОБЕННОСТИ ВЫБОРА СТРАТЕГИИ ДЛЯ ПРЕДПРИЯТИЙ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКОГО КОМПЛЕКСА</i>	<b>58</b>
<b>Abdullayeva M.N, Egamberdiyev O.B</b> <i>THE MAIN DIRECTIONS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF STRATEGIC PLANNING AT INDUSTRIAL ENTERPRISES</i>	<b>62</b>
<b>Ташева Сурайёхон Тухтабаевна</b> <i>СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ҚУРОЛЛАР ВА НОЁБ АШЁЛАР</i>	<b>66</b>
<b>Мухамеджанова Ирина Азатовна</b> <i>ПРЕЛЮДИЯ ДЛЯ ФОРТЕПИАНО ДО ДИЕЗ МИНОР СОЧ. 3 N2 (1892)</i>	<b>71</b>
<b>Кулдашева Санобар</b> <i>ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИШ</i>	<b>75</b>
<b>U.S.Amonov, M.Z.Eshonqulova</b> <i>BUXORONING IKKI FARZANDI HAQIDA MULOHAZALAR</i>	<b>80</b>

## ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7422510>

**Кулдашева Санобар**

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти  
университети таянч докторанти*

**Аннотация:** *Мақолада она тили дарсларида мультимедиа воситаларидан унумли фойдаланиш, дарснинг турли шаклларида мультимедиали технологияларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритилган. Методист олимларнинг фикрлари таҳлил этилади. Мультимедиа воситалари орқали ҳамкорлик педагогикасини ўрнатиш масалалари ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *ҳамкорлик педагогикаси, киберпедагогика, мультимедиали технология, фаолиятли ёндашув, мультимедиа дастурлари.*

Мультимедиа технологияси асосидаги таълимда “ўқитувчи – ўқувчи” муносабатларидаги ҳамкорликни ўрнатиш бир қадар осон кечади. Ўқитувчи таълим жараёнида шахснинг шаклланиши, тарбияланиши, билим олиши ва ривожланиши учун шароит яратади. Янада аниқроғи, билим олувчилар билан ҳамкорлик қилади. “Ҳамкорлик педагогикаси” тушунчасининг бугунги таълим-тарбия жараёнларида тобора фаоллашиб бораётгани бежиз эмас. “Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир ўқувчини кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онгли мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир ўқувчида шахсий кадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутати”[1]. Ўқувчи ўқитувчи билан ҳамкорликда машқ ва топшириқларни бажаради, бирга ижод қилади, фаоллашади, биргаликда хулоса чиқаради ва ўзини ўзи баҳолайди. Ҳатто мультимедиали технология лойиҳаларини яратишда ҳам ўқувчилар билан ҳамкорлик ўрнатиш мумкин. “Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ҳамкорликка асосланган ижодий фаолиятини ташкил этиш учун ахборотли маҳсулотларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади мазкур жараёнда сунъий интеллект ёки мантиқий-лингвистик моделдан унумли фойдаланиш мумкин. Билимларни моделлаштириш турли илмий йўналишлар, турли мақсадларда амалга оширилади. Эксперт тизимлар назариясида бу методдан интеллектуал

вазифаларни компьютер воситасида ечишда фойдаланилади. Ўқув муҳитида ўқитувчи ҳам жисмоний ҳам виртуал эксперт модел сифатида намоён бўлади”[2]. Мультимедиа воситаларининг татбиқ этилиши тил таълимининг сифати ва натижадорлигини бир неча қадам олдинга силжитди, десак муболаға бўлмайди. Мультимедиа воситалари билан ишланганда ҳам ўқувчи жараёни бевосита ўзи кузатади, уни бошидан кечиради ва ўзи хулоса чиқаради. Анъанавий дарс ва мультимедиа дарслар солиштирилганда қуйидаги афзалликлар кўзга ташланади: анъанавий она тили дарсликларидида мавзуга тегишли материаллар матни ҳамда баъзи ўринларда статик кўринишдаги расм берилади; мультимедиа иштирокидаги дарсларда мавзуга тегишли материал матни, уни шарҳлаб берувчи овоз ёки видео, мавзуга тегишли бир нечта расм, диаграмма, жадваллар, анимация, мусиқанинг биргаликда берилиш имконияти мавжуд. “Дарслик билан ишлаш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ўқиш, қоидаларни ўрганиш ёки қайта эсга тушириш, машқ топшириқлари асосида грамматик ҳодисаларни аниқлаш ва изоҳлаш кўникмалари ривожлантирилса, мультимедиа иловалар билан ишлаш жараёнида ўқувчиларнинг билим олишга бўлган иштиёқи кучаяди, тенгдошлари билан ўзаро муносабати яхшиланади, янги мавзуни мустақил ўзлаштириш ва ўзини баҳолаш имкониятига эга бўлади”[3]. Шу билан бирга мультимедиа воситаларидаги бир неча хиллик ўқувчини қизиқтиради, фикрлашга ундайди, дунёқарашини кенгайтиради, билим, малака ва кўникмани боғлаб боради. Мукамал мультимедиа дарс лойиҳасини яратиш учун олим, фан ўқитувчиси ҳамда компьютер мутахассиси бирлашмоғи даркор. Қолаверса, электрон таълим ресурсларини яратиш учун қўйиладиган мақсад ва талаблар назардан четда қолмаслиги керак. Мультимедиа технологияларини яратиш учун педагогик, психофизиологик ҳамда методик талабларни инobatга олиш зарур. Педагогик талабларга яратиладиган маҳсулотнинг давлат таълим стандартлари, амалдаги ўқув дастурларига мувофиқ келиши; психофизиологик талабларга ўқувчининг ёши, дунёқарashi, қизиқишларини инobatга олган ҳолда, содда, аниқ, тушунарли ва қулай ишлаб чиқилиши; методик талабларга эса ўрганиладиган ўқув материалини мантиқий кетма-кетликда, узвийлик таъминланган ҳолда, ўзлаштирилган билим даражасининг мураккаблигини инobatга олиб турли методлар асосида ишлаб чиқилиши лозим. Бундан ташқари техник, эстетик, дидактик ва бошқа талаблар билан мутаносиблаштирилса, илмий, тушунарли, узлуксизлик ва яхлитлик таъминланган, мавзу тизимли ёритилган, мулоқотнинг интерфаоллиги, ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг яхлит бирлиги инobatга олинса, талаб ва ижро уйғунлигида ижобий натижага эришилади.


Мультимедиа шартларини эътиборсиз қолдириш ҳам тайёрланган дарсни дидактик нуқтаи назардан муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин. Афсуски, кўпгина ўқитувчилар мультимедиа воситаларидан фойдаланишда кичик деталларга эътибор бермайдилар. Проектордан фойдаланиш учун синф хонасининг деразаларини парда билан тўсмаслик лозим, аксинча, проектор ёки интерфаол доскани чироқ нури тушмайдиган зонада жойлаштириш ва ундаги рангларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим. Синф хонаси мультимедиа дарсларини ўтишга жиҳозланмаган бўлса, мультимедиа дарсларини информатика хоналарида мақсадга мувофиқ.

Мазкур талаблар асосидаги инновацион ёндашув ўқувчиларда янги тажриба орттириш, ижодий ва танқидий фикрлашни англаш, келажакка интилишни ривожлантириш билан бирга мустақил интеллектга эга шахсни тарбиялаш учун самарали омил вазифасини ўтайди. Яна бир имкониятли томони шундаки, мультимедиа ишланмалардан синфдаги дарс машғулотларида, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш машғулотларида, паст ўзлаштирувчилар билан ишлаш машғулотларида, она тили тўғаракларида, шунингдек уйда мустақил ишлаш учун фойдаланилади. Фақатгина ўқитувчи томонидан ўқув материални ўзлаштиришнинг тезлиги, материал миқдори, қийинчилик даражасини белгилаш ҳамда, энг асосийси, ўқувчида керакли медиа воситаларидан ўринли фойдалана олиш малакаси ва маданиятини шакллантирган бўлиши талаб этилади. Она тили машғулотларини ташкил этишнинг асосий шаклларида мультимедиа имкониятларидан кенг фойдаланиб ҳамкорлик ўрнатиш мумкин:

- умумий гуруҳларда иш олиб борганда видеолавҳалар, анимацияли фильмлар ва аудиолардан фойдаланиш;

- якка тартибда интерактив ўйин топшириқларидан фойдаланиш;

- кичик гуруҳларда махсус яратилган таълим лойиҳаларидан унумли фойдаланиш дарс самарадорлигини оширади (Қаранг: 1-расм).



1-расм. Дарс шаклларида мультимедиадан

Мультимедиа ли дарсларнинг устувор мақсади ўқув жараёнида замонавий ахборотга бой муҳитда ўқувчиларнинг самарали мустақил ижодий фаолият қобилиятларини ривожлантиришдир. Шунинчун олган ҳолда, мультимедиа дастурини ишлаб чиқишда ўқитувчи нафақат мавзудаги ўқув вазифаларини, балки мақсадлари (ўқув, тарбиявий, ривожланиш)ни ҳам белгилаб олади, қўшимча равишда ахборот маданияти таркибий қисмлари (керакли маълумотларни танлаш қобилиятини ривожлантириш, ахборотни техник қайта ишлашнинг янги усуллари билан танишиш, ахборотни компьютерда қайта ишлаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш ва ҳ.к.)ни ҳам қамраб олади.

“Таълим шундай ижтимоий институт бўлиши лозимки, у инсонга узлуксиз ўқиш, кенг халқ оммасига олий таълимдан кейинги ҳамда қўшимча маълумот олиш имконини берадиган таълим хизматларининг хилма-хил тўпламларини тақдим этишга қодир бўлиши керак. Бунинг учун: умумтаълим дастурлари таркибини диверсификация қилиш, ҳар бир инсонга ўз таълимий ва касбий қобилиятини нисбатан тўла намоён қила оладиган таълим майдонини қуриши, “таълим ҳамма учун” тамойилига ўтиш учун мазмуний асос яратишига имкон бериши зарур бўлади”[4]. Шундай имконларни бугунги кун технологияси – мультимедиа воситалари амалга оширади. Яна бир аҳамияти шундаки, мультимедиа ли таълимдан очиқ ва масофавий дарсларда бирдек фойдаланиш мумкин. Айниқса, бугунги кунда оммалашиб бораётган масофавий дарс машғулотларида мультимедиа воситаларидан унумли фойдаланиш ижобий натижаларга



олиб келади. Мультимедиали дарсларда дастурий таъминот воситалари ўқитишнинг анъанавий технологияларини тўлдиради. Ўқув маълумотларини анимация ва овоз эффектлари билан жиҳозланган диаграммалар, жадваллар, видеоклип, аудиоматнлар кўринишидаги кўплаб визуал тасвирларни ўқув жараёнининг бошқа таркибий қисмлари: мақсад, мазмун, ўқитиш усуллари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолатда бўлишини таъминлаш лозим. Мультимедиали педагогик технологияларни жорий этишда тилни ўқитиш назарияси ва амалиётида доимо мавжуд бўлган ва вақт синовидан ўтган лингводидактик константалар ўртасидаги мувозанатни топиш мақсадга мувофиқ.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Инақов Қ.Қ. Ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш. Пед.фан.б.фал.док...дис. – Тошкент, 2019. – 76-б.
2. Сафарова Р.Г., Юсупова Ф.И., Сулаймонова Г.Т., Юсупова Ҳ.И., Дилова Н., Сулаймонов Р.Т. Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантиришга оид назарий-амалий ёндашувлар Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ – Т.: Фан ва технологиялар нашриёти. – 2012. 37-бет.
3. Машарипова У.А. Инновацион таълим шароитида бошланғич синф ўқувчиларининг нутқ маданиятини шакллантириш методикаси. Пед.фан.б. фал. док. ... дис. – Тошкент, 2018. – 160 б.
4. Кашук С.М. Стратегия интеграции мультимедиа технологий в систему языкового образования (на примере обучения французскому языку) Диссертация на соискание ученой степени доктора педагогических наук. – Москва, 2014. – С.223.
5. Гарцов А.Д. Электронная лингводидактика в системе инновационного языкового образования. Дисс. на соискание уч. степени кандидата педагогических наук. Москва – 2009. С.398.
6. Суропов Б.Электрон таълим муҳитида ахборот коммуникация технологиялари фанини ўқитишнинг методик таъминотини такомиллаштириш. Пед.фан.б. фал. док. ... дис. – Тошкент, 2019. – 149б.
7. Шлыкова О.В. Культура мультимедиа: Уч. пособие для студентов / МГУКИ.- Москва, ФАИР-ПРЕСС, 2004. – С.415